O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 9 январ сешанба

Сотувда эркин нархда
№ 6 (2568)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ:
# ЯНГИ АСРДА ЯНГИ УФҚЛАР САРИ



Дунёда халқлар кўп, эл-элатлар кўп. Урф-одат, расм-русум, анъаналар ҳам шунга яраша. Дейлик, кимлардир Янги йилни, учинчи мингйилликни ҳануз байрам қиляпти...

Янги йилни биз ҳам шод-хуррамлик билан кутиб олдик. Лекин, душанбадан яна одатдаги иш кунимиз бошланди. Рўзғорни бутлаш, хонадонни обод қилиш, соддароқ айтганда, тирикчилик ташвишларига шўнғиб кетдик. Биз ўзи шундаймиз — бекор ўтира олмаймиз. Баҳовуддин Нақшбанд бобомиз айтганларидек, кўнгил Яратганда-ю, қўл ишда.

Янги йилнинг биринчи ҳафтаси Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учун ҳам қизғин меҳнат билан бошланди. Улар Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш учун Олмаота шаҳрига тўпландилар.

Икки оғиз сўз Иқтисодий Ҳамжамият тарихи ҳақида. Маълумки, мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви минтақавий ҳамкорликдан бошланади. Зеро, ён-атрофдаги мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш, товарлар, хизматлар, маблағ ва ишчи кучларининг эркин ҳаракатини таъминлаш интеграция жараёнларини тезлаштириб, минтақа халқларининг тўқ-фаровон яшаши учун қулай шароит яратади. Мавжуд муаммоларни биргаликда бартараф этиш имконини беради.

Ана шу мақсадда 1993 йилда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида 1994-2000 йиллар давомида ўзаро иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича битим имзоланганди. 1994 йилда эса бу икки давлат ягона иқтисодий макон яратишга келишди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги битимга Қирғизистон ҳам қўшилди. Бошқача айтганда, ягона иқтисодий макон яратиш Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосига айланди. Шу боис 1998 йил Тожикистон ҳам ушбу ҳужжатни имзолади. Айнан шу йили Ўзбекистон ташаббуси билан мазкур тузилмага Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти деб ном берилди.

Яна Олмаота саммитига қайтамиз. Аввал хабар қилганимиздек, саммит ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам иштирок этди. Қозоғистон Президенти саройида Иқтисодий Ҳамжамиятга аъзо давлат раҳбарлари — Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев, Имомали Раҳмоновларнинг тор доирадаги мулоқоти бўлиб ўтди. Суҳбат расман "тор доирада" дейилса-да, бу сўз ўзаро мулоқот кўламини ифода этолмайди. Чунки суҳбат мавзуи чекланмади. Президентлар минтақа халқлари тақдирига дахлдор барча масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Мулоқот чоғида минтақавий ҳамкорликнинг аҳволи, унинг истиқболлари атрофлича таҳлил этилди. Хусусан, иқтисод, фан-техника борасидаги ҳамкорлик, минтақада тинчликни, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши биргаликда курашиш юзасидан фикр алмашилди. Мулоқот жуда эркин, ошкора, самимий руҳда ўтганлигини алоҳида таъкидлаш керак. У ёки бу масалага муносабатлар рўй-рост, ошкора айтилди. Шундай бўлгани ҳам маъқул. Ҳаёт бор экан, тирикчилик бор экан, муаммо бўлади. Гап мана шу муаммоларни вақтида аниқлаб, уни биргаликда оқилона йўл билан бартараф этишда.

Куннинг иккинчи ярмида Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.

Мажлисда Марказий Осиё Ҳамкорлик ва Тараққиёт банки фаолияти ҳамда банкнинг аудиторлик текшируви якунлари билан боғлиқ масалалар таҳлил этилди. Шунигдек, мажлисда 1994 йил июл ойида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон ўртасида Марказий Осиё Ҳамкорлик ва Тараққиёт банкини (МОҲТ) таъсис этиш тўғрисида тузилган битимга ўзгартиришлар киритишга оид масалалар муҳокама этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё республикалари Иқтисодий Ҳамжамияти Форумини чақириш тўғрисида таклиф киритди. Ушбу таклиф анжуман қатнашчилари томонидан якдиллик билан маъқулланди.

Олмаота саммитида Қирғизистоннинг Халқаро тоғлар йилини ўтказиш тўғрисидаги таклифи ҳам иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Мажлис ниҳоясида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятини Марказий Осиё Форумига айлантириш таклифи тўғрисида протокол, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида 1994 йил имзоланган МОҲТ банкини яратиш тўғрисидаги битимга ўзгартиришлар киритиш бўйича протокол, шунингдек, Бишкекда МОҲТ банки шохобчасини очиш ҳамда Ҳамжамият Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин анъанага мувофиқ Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Аскар Акаев ва Имомали Раҳмонов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Терроризм инсоният учун энг катта хавфга айланиб бормоқда. Афсуски, ҳар бир киши ва барчанинг тақдирига дахлдор бу муаммо борасида турли хил сиёсий ўйинлар, арзонгаров гаплар ҳам йўқ эмас. Жумладан, мазкур матбуот анжуманида Рейтер агентлигининг мухбири террорчиларнинг эҳтимоли бор баҳорги хуружи ҳақида тўхталар экан, қўрқмайсизларми, деган маънода киноявли савол ташлади.

— Халқаро террорчи гуруҳлар Тожикистон ҳудудидан Ўзбекистон ва Қирғизистонга суқулиб кириб, икки йилдан бери тинчлигимизни бузишяпти, — деди Ислом Каримов. — Покистон ва Афғонистон ҳарбий лагерларида пухта тайёргарликдан ўтган бу газандалар ва уларнинг ортида турган кимсаларнинг ниятлари бизга маълум: ёвуз кучлар Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариб, бизни дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришмоқчи.

Террорчиларнинг хуружлари олдиндан тайёрланган режа бўйича кечаётганлигига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бу хуружнинг 2001 йилда ҳам такрорланишига биз асло йўл қўя олмаймиз.

МДҲ давлат раҳбарларининг Минск саммитида мен бу хавф фақат Марказий Осиёга эмас, бошқа минтақа ва ҳудудларга ҳам дахл қилишини айтиб, халқаро терроризмга қарши биргаликда кураш олиб боришга чақирган эдим. Менинг бу таклифимни МДҲ давлат раҳбарлари маъқуллашди. Демоқчиманки, бу масалада биз ҳамфикрмиз. Қўл қовуштириб ўтиришга ҳаққимиз йўқ. Имконимиздаги барча воситаларни ишга солиб, босқинчиларга қақшатқич зарба берамиз. Гап чекланган, аниқ, яъни превентив зарбалар эмас, суверен давлатларнинг қонуний ҳаққи — ўз чегараларини ҳимоя этиши ҳақида кетяпти.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг иқтисодий алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Лекин ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Маълумки, Жанубий Қозоғистон, Олмаота, Жамбул вилоятлари ишлаб чиқариш ва маиший эҳтиёжлари учун газни Ўзбекистондан олади. Тўловлар вақтида амалга ошмаётгани учун Ўзбекистон газ узатишни тўхтатиб қўйярмиш, деган миш-мишлар юрибди.

— Қозоғистонлик биродарларимиз хотиржам бўлишсин. Ваҳимага асло ўрин йўқ,— деди Президент Ислом Каримов. — Газ бўйича икки мамлакат ҳукуматлари даражасида шартнома тузилган. Ўзбекистон ўз зиммасига олган мажбуриятларини тўлиқ бажарган ва бундан кейин ҳам бажаради. Тўғри, нархларни қайта кўриб чиқишимиз керак. Биз газни Қозоғистонга арзон нархда сотяпмиз. Ваҳоланки, жаҳон бозорида 1000 метр куб газнинг баҳоси 50 долларга чиқди. Нарх бўйича Қозоғистон ҳукумати билан музокаралар олиб боріляпти, ўйлайманки, бу масала ижобий ҳал этилади.

Олмаота саммитида Ўзбекистон Ҳамжамиятнинг фаолият доирасини кенгайтириш, уни Форумга айлантириш таклифини ўртага ташлаган эди. Президентимиз мазкур таклифнинг моҳиятини журналистларга атрофлича тушунтириб берди.

— Иқтисодий Ҳамжамият ўзаро муносабатларимизнинг маълум босқичида муҳим вазифани бажарди,— деди давлатимиз раҳбари. — Лекин, очиқ-ойдин тан олиш керак: У бугун замон талабларига жавоб бермай қолди. Худди МДҲда бўлганидек, Ҳамжамиятнинг ҳам қабул қилинган кўплаб ҳужжатлари ишламаяпти.

Бизнинг фикримизча, минтақавий ҳамкорлик фақат иқтисод билан чегараланмаслиги керак. Барчамизга дахлдор талай масалалар борки, уларни фақат биргаликда ҳал этиш мумкин. Ҳамжамиятдан фарқли ўлароқ, Форум ҳаракатида жамиятнинг кенг қатламлари — ишлаб чиқарувчилар, олимлар, фан, маданият, санъат арбоблари, тижоратчилар ва бошқа соҳа вакиллари ҳам иштирок этади. Биз Форум ғоясини кўр-кўрона иҳрож этиш тарафдори эмасмиз. Ҳамжамиятга аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирликларига, экспертлар гуруҳига топшириқ берилган: ҳозир улар Форум имкониятларини ўрганишмоқда. Ҳамжамиятнинг апрел-май ойларида Тошкентда ўтадиган йиғилишида бу масалага ойдинлик киритилади.

Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг навбатдаги кенгаши ўз ишини якунлади. Ватанга қайтиш учун Олмаота аэропортига йўл олар эканмиз, қор ёға бошлади. Ҳаммани зориқтирган, соғинтирган оппоқ-оппоқ қор!... Қор ёруғлик, қутбарака даракчиси.

Илоҳим, эзгу ниятлар, орзу-армонлар билан янги асрга, янги мингйилликка қадам қўйган қадим Туркистон фарзандларининг ризқи бутун, толеи баланд бўлсин!

**Муҳаммад РАҲМОН,**
**Тошкент-Олмаота-Тошкент.**

**СУРАТДА: Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммити пайти.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Янги йил муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

**Олавур Рагнар ГРИМССОН,**
**Исландия Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Рождество байрами ва Янги йил муносабати билан бахт-саодат тилаб билдирган эзгу истакларимни йўллайман.

**Леннарт МЕРИ,**
**Эстония Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Янги 2001 йил, XXI аср ва учинчи мингйиллик бошланиши муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Булар Ер юзидаги барча халқларга бахт-саодат, тинчлик ва равнақ келтирсин!

Камоли эҳтиром ила,

**Сапармурот НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Янги 2001 йил, янги аср ва янги мингйиллик муносабати билан ғоят самимий қутловларим ва эзгу истакларимни қабул қилгайсиз!

Сизга ва яқин кишиларингизга бахт-саодат ва омонлик тилайман.

Халқларимиз ва давлатларимиз бундай буён ҳам елкама-елка туриб тинчлик, тараққиёт ва бунёдкорлик йўлидан олға ҳаракат қилиб бораверишларига, дўстлик ва ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлашларига ишончим комил.

**Асқар АКАЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

2001 йил муносабати билан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти номидан қутловлар изҳор этишни истардим. Янги минг йиллик Сизга ва мамлакатингизга бахт-саодат, фаровонлик ва равнақ келтиришига ишонаман.

Сиз миллатнинг саломатлиги тўғрисида доимо шахсан ғамхўрлик қилиб келаётганингиз ҳамда 2001 йилни Оналар ва болалар йили деб эълон қилганингизни эшитиб, ниҳоят мамнун бўлдим.

Самимият ила,

**д-р Гро Харлем БРУНТЛАНД,**
**Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Сизга 2001 йилда сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилашга ижозат бергайсиз.

2001 йилда ЮНИСЕФ, Сизнинг раҳбарлигингиз ва мададингизда, болалар манфаатларини кўзловчи умумжаҳон ҳаракатини амалга оширишда кўмаклашади.

Мазкур ҳаракат биргаликдаги мажбуриятларимизнинг ижросини ўзида акс эттиради ва бутун дунё болаларининг бахт-саодати йўлидаги ишларни жадаллаштириш учун хизмат қилади.

**Кэрол БЕЛЛАМИ,**
**ЮНИСЕФ Ижрочи директори.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Янги йил муносабати билан ғоят самимий ва эзгу қутловларимни қабул қилгайсиз!

Бошланаётган 2001 йил ҳаётда фақат яхши ўзгаришлар олиб келсин. Омад, бахт-саодат, дўстларингизнинг ҳурмат-эътибори, оилавий фаровонлик Сизга ҳамиша ёр бўлсин.

Барча ишларингиз ва ташаббусларингизда Сизга улкан муваффақиятлар тилайман!

Эҳтиром ила,

**А.ВОЛЬСКИЙ,**
**Россия Саноатчилар ва тадбиркорлар уюшмаси президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни ва яқин кишиларингизни Янги, 2001 йил билан сидқидилдан муборакбод этаман!

Янги асрнинг биринчи йили Сиз учун энг эзгу истакларингиз рўёбга чиқадиган йил бўлиб қолсин ҳамда тинчлик, осойишталик ва фаровонлик келтирсин!

Чин қалбдан сиҳат-саломатлик, эзгулик ва муваффақиятлар тилайман!

2001 йилда қувонч ва бахт-иқбол Сизга ёр бўлсин!

Янги, XXI аср хайрли бўлсин!

Эҳтиром ила,

**А.ТУЛЕЕВ,**
**Кемерово вилояти губернатори.**

**Олий Мажлисда**

## Ҳамма аёллар ҳам ҳуқуқини биладими?

Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонунининг Фарғона вилоятида бажарилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди. Йиғилишни қўмита раиси Машкура Сафаева олиб борди.

Маълумотномада қайд этилганидек, мазкур қонун жойлардаги касаба уюшмалари, хотин-қизлар қўмиталари, меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан аёллар фаолият кўрсатаётган барча меҳнат жамоаларига етказилган.

Вилоятда бюджетдан молиялаштирилган муассаса ва ташкилотларда ишлаётган 3 ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга меҳнатга тўланадиган ҳақ камайтирилмаган ҳолда иш соатлари ҳафтасига 40 соатдан 35 соатга қисқартирилган. Мазкур қонуннинг бажарилиши вилоятдаги 354 та меҳнат жамоалари ва касаба уюшма қўмитаси томонидан тузилган жамоа шартномаларига киритилган, унинг бажарилиши ҳокимликлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар қўмиталари томонидан назоратга олиниб, бу масала бўйича мутасадди раҳбарларнинг ахборотлари эшитиляпти. Ҳозирги кунда бола парваришии билан банд бўлган 54097 та аёлга 9 ой давомида 1 миллиард 304022 сўм нафақа тўланган.

Қонунда белгиланган 20 йил иш стажига эга бўлган аёлларга 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқидан вилоятда 2000 йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра 340 та аёл фойдаланаяпти.

Тиббий хулосаларга мувофиқ ҳомиладор аёлларга уларнинг меҳнат шароитларини

(Давоми 2-бетда).

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларининг 10 йиллиги фақат тўй эмас, балки 10 йиллик меҳнатнинг кўриги, халқ олдидаги имтиҳонига ҳам айланди. Ушбу сана муносабати билан пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда биз нафақат қутловларни эшитдик, балки шу билан бирга, ижодий фаолиятимиз тўғрисидаги муҳтарам адибларимиз, таниқли журналист биродарларимизнинг таассуротлари, ўйлари, фикр-истакларини ҳам тинглашга муяссар бўлдик. Умуман, бу тадбир журналистиканинг, матбуотнинг ҳозирги аҳволи, олдида турган муаммолар хусусидаги самимий гурунг тусини олди.

Шак-шубҳасиз, Президентимизнинг «Халқ сўзи» ва «Народное слово» ижодий жамоасига йўллаган табрикномаси, унда қилинган ишларни таъкидлаш билан бир қаторда, матбуотимизнинг келгуси фаолиятига йўлланма сифатида баён этилган фикрлар, ғоялар ва қарашлар, айниқса, алоҳида аҳамиятлидир.

**• Кўнгилдаги ўйлар**

## Ҳаётбахш йўлланма

Табрикномада Юртбошимиз оммавий ахборот воситаларини фикр минбари бўлишга чорлайди. Фикр минбари бўлганда ҳам — эркин, мустақил ва ташаббускор фикрнинг минбари!

Юртбошимизнинг табрик сўзида бунга эришишнинг ғоятда истиқболли, самарали йўл-йўриқлари ҳам очиқ-ойдин кўрсатилган. Унда таъкидланганидек, ҳозирги шароитда ахборот воситаларининг асосий вазифаси — жамиятдаги қарашлар ранг-баранглигини, турли нуқтаи-назарларни дадил олиб чиқиш, ҳатто мухолиф қарашлардан ҳам тортинмаслик, беҳуда ҳадиксирашларга барҳам бериб, ҳаётда мавжуд муаммоларни ва камчиликларни рўй-рост акс эттириш, энг муҳими, бундай ишни мавсумий деб билмай, узлуксиз бир жараёнга айлантиришдан иборатдир. Бу сўзларни Президентимиз айтаяптилар. Демак, бу — давр даъвати, тараққиёт даъвати, Ватан даъвати, Истиқлол манфаатларидан келиб чиққан даъватдир. Биз бу даъватга «лаббай» деб жавоб берсак, оммавий ахборот воситалари янада жонланади, чинакам «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилади.

Биз демократик давлат, озод ва том маънода эркин ҳаёт қурмоқчимиз. Йўлбошчимиз чорлаётганларидай, бу ўзгаришларни энг аввало матбуотдан бошлашимиз даркор. Матбуот — эркин ва мустақил фикрлар минбарига, мактабига, жарчисига айланмоғи зарур. Халқимиз матбуотни севади, ҳурмат қилади ва унинг сўзларига эътиқод билан қарайди. Мана шу умумхалқ ишончининг ўзи ҳам матбуотнинг олдинги сафда бўлишини тақозо этади.

Биз ривожланган давлатлардаги эркин ва тезкор матбуотга ҳавас қиламиз. Аммо бундай матбуот фақат ҳавас билан туғилмайди. Бунинг учун меҳнат, изланиш, ҳалоллик, дадиллик, ташаббускорлик талаб қилинади. Яъни, ҳамма гап — ўзимизда. Навоий бобомиз айтганларидек, «Ҳар не истарсан, ўзингдан истагин». Биз эркин, дадил, ўқишли, қизиқарли, янгиликларга ўч ва янгиликлар тарғиботчиси бўлган фаол матбуотнинг бутун асосларини ва имкониятларини ўз журналистик фаоллигимиз, куч-ғайратимиздан излашимиз ва топишимиз лозим. Президентимизнинг табрик сўзидаги даъватлар кишида ана шундай ўйларни уйғотади.

Давр, тараққиёт, мустақил ривожланишимизнинг истиқболи биз, журналистларни илғор ва фаол фикрлиликка даъват этмоқда ва биздан шуни кутмоқда.

**М. САФАРОВ.**

## Ҳокимлар ўқишмоқда

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни жорий этишда бугунги кун талаблари нималардан иборат? Миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойиллари қандай ифодаланади? Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда нималарга эътибор бериш керак? Иқтисодиётни эркинлаштириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг қандай омиллари мавжуд? Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари, агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг кеча бошланган семинар-мунозаралари ана шу мавзуларни кўриб чиқмоқда.

Семинар-мунозарани Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков очди.

Дастлабки гуруҳ — Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларидан келган иштирокчилар ҳузурида бир ҳафта мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, агросаноат ишлаб чиқаришига тааллуқли илмий-тадқиқот институтлари олимлари, республика идораларининг вакиллари чиқиш қиладилар.

Семинарнинг биринчи куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х. Султонов, Т. Рисқиев, В. Голишев ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосари, агросаноат комплексининг раҳбари Т. Холтоев иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

